



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 24 - Mart

546 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Ражабов Мурод Исмоиловичга
“Ғалаба” маҳалласи ҳудудида жойлашган
“Дўкон” биносига бўлган эгалик
ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласида яшовчи фуқаро Ражабов Мурод Исмоиловичнинг “Ғалаба” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Дўкон” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 16 мартдаги ШЯ-Р-1090-сонли аризасини, Боғот туман ҳокимининг 2006 йил 14 августдаги 384қ-сонли қарорини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 мартдаги 828-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 7-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Ғалаба” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами 1 (бир) та хонадан иборат, ички ўлчамлари 8,64 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 12,54 квадрат метр, умумий ер майдони 101,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Дўкон” биноси фуқаро Ражабов Мурод Исмоиловичга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. Фуқаро Ражабов Мурод Исмоилович ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Дўкон” биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев